Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 73 (6185).

14 АПРЕЛЬ

ЖУМА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон ҳаёти билан танишаётган Ҳиндистон республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Кумар Гужрални 13 апрель куни қабул қилди.

Ш. Р. Рашидов дўстона суҳбат чоғида элчига Ўзбекистон меҳнаткашларининг бунёдкорлик ишлари тўғрисида, ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида республика ҳаётида рўй берган жуда катта ўзгаришлар ҳақида гапириб берди. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Барча совет кишилари сингари республиканинг ишчилари, колхозчилари, меҳнаткаш зиёлилари Коммунистик партия билан Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаётганликлари, Совет-Ҳиндистон дўстлигини тинмай мустаҳкамлашдан астойдил манфаатдор эканликлари суҳбат чоғида таъкидлаб ўтилди.

Кумар Гужрал Ўзбекистонда самимий кутиб олинганлиги учун миннатдорчилик билдирди. Ҳиндистон республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларини тобора кўпроқ ривож топаётганлиги ҳамда барча совет кишилари, шу жумладан Ўзбекистон халқи томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганлигининг аҳамиятига юқори баҳо берди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири У. А. Рустамов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

САБЗАВОТ ВА МЕВА МЎЛ БЎЛАДИ

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРНИНГ ТАШАББУСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубини қизғин қўллаб-қувватлаш билан қабул қилдилар ва давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақага актив қўшилдилар. Улар ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантириш, КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришиш учун кучғайратларини аямаётирлар.

Область деҳқонлари давлатга 410 минг тонна сабзавот, 60 минг тонна картошка ва мева, 80 минг тонна қовун-тарвуз ва 66 минг тонна узум сотиш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Ҳамма жойда 1978 йилда мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ер-сув, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан социалистик мусобақа оммавий равишда авж олдирилди.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан Абдураҳим Шерматов, «Бўзсув» совхозидан Урозбек Калменов, биринчи теплица комбинатидан Лутфи Ниёзматова, Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводидан Умри Улуғхўжаева, Маъмир Гулматов, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоздан Қарли Пайзибеков, Тошкент районидаги Навоий номли колхоздан Миразиз Миртурсунов, К. Маркс номли колхоздан Исмат Саъдуллаев, «Ленин йўли» колхозидан Ҳамидулла Носиров, Бекобод районидаги «Ленинград» совхозидан Арслон Ортиқов бошлиқ илғор бригада коллективлари ҳар гектар майдондан 350 центнер ва ундан ҳам ошириб сабзавот, 150—200 центнердан картошка, 200 центнер ва ундан ҳам ошириб мева, узум, 300 центнердан қовун-тарвуз, ҳар квадрат метр теплица майдонидан 20—25 килограммдан сабзавот олиш, 1978 йил социалистик мажбуриятларини СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мусобақани оммавий авж олдириш тўғрисидаги қимматли ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, область ва район қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига бу илғор коллективларнинг қимматли ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаш ва уни барча звенолар, бригадалар, участкалар, бўлимлар, колхоз ва совхозларда кенг ёйиш вазифаси юклатилди.

Район партия комитетлари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарларига мўл сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева, узум ҳосилини олиш, 1978 йил ва умуман беш йиллик социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган илғор бригада колективларини ишларини мунтазам назорат қилиб бориш, уларга ўз вақтида керакли миқдорда сифатли уруғ ва кўчат, минерал ўғит, гербицидлар ва бошқа моддий техника ресурслари етказиб беришда кундалик ёрдам кўрсатиш таклиф қилинди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевиденне ва радио эшиттириш бош редакцияларига 1978 йилда мўл ҳосил етиштириш ва ўнинчи беш йилликда мева, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мажбуриятини олган илғор колхозлар, совхозлар, звено, бригада, участка, бўлим коллективларининг иш тажрибаларини кенг ёритиб бориш топширилди.



Абдураҳим ШЕРМАТОВ, Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг сабзавотчилик, картошкачилик бригадаси бошлиғи

— Совхозимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубини кўтаринки рухда кутиб олдилар. Коллективимиз йиғилишида биз ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантириш, КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришиш учун кучғайратларини аямаётирлар.

Бригадамиз аъзолари СССР янги Конституциясининг бир йиллигига беш йилликнинг тўрт йили планини бажаришга сўз бердилар. Бу йил биз 3366 тонна сабзавот ва 150 тонна картошка етиштирамиз, ҳар гектар майдондан 350 центнердан сабзавот, 200 центнердан картошка ҳосили олишга ваъда берамиз.



Урозбек КАЛМЕНОВ, Калинин районидаги «Бўзсув» совхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи.

Бригадамиз сабзавот экинлари уруғи етиштиришга ихтисослаштирилган. Шунинг учун ҳам биз маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берамиз. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ишчиларимизнинг социалистик мусобақада фаол иштирок этишлари олдимизда турган мақсадга эришишга ёрдам бермоқда.

Бригадамиз сабзавот етиштириш ўнинчи беш йиллик икки йили планини 135 процентга бажарди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан биз СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача беш йилликнинг тўрт ярим йили планини бажаришга, 1600 тонна сабзавот етиштиришга сўз бердик.



Лутфи НИЁЗМАТОВА, Калинин районидаги 1-теплица комбинатининг звено бошлиғи.

— Бригадамиз аъзолари ўтган йили юқори меҳнат натижаларига эришдилар: ҳар квадрат метр ердан 22 килограммдан сабзавот ҳосили олинди. Бу областдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Бундан буён ҳам биз юқори ҳосил етиштириш йўлидан бораверамиз. Бунинг асосий омиллари ишлаб чиқаришга фан ютуқларини, илғор агротехникани кенг жорий қилиш, ички резервлардан тўла фойдаланишдир.

СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги шарафига бригадамиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг 4,5 йиллик планини бажаришга, ойнаванд майдонларнинг ҳар квадрат метридан олинадиган ҳосил миқдорини 25 килограммгача етказишга қарор қилдилар.



Умри УЛУҒХЎЖАЕВА, Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводининг богдорчилик бригадаси бошлиғи.

— Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида бригадамиз аъзолари ажойиб меҳнат кўрсаткичларига эришдилар. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш эвазига мевадан юқори ҳосил олдик. Ҳосилдорлик гектарига 231 центнерга етказилди.

Ўз-ўзидан маълумки, эришилган марра чегара эмас. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби муҳокама қилинган коллективимиз йиғилишида ҳам гапириб ўтдик. Биз зарбдор йил учун қуйидаги мажбуриятларни қабул қилдик. СССР Конституциясининг бир йиллигигача 1978 йил ва беш йиллик топшириқларини тўла бажарамиз! 1100 тонна мева етиштирамиз. Ҳар гектар ердан 215 центнердан ҳосил оламиз.



Маъмир ГУЛМАТОВ, Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз заводининг узумчилик бригадаси бошлиғи.

Бригадамиз деҳқонлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубини дикқат билан ўрганиб чиқдилар. Бу Мактуб ишимизни яна бир марта қайта кўриб чиқиш, фойдаланилмаётган резервлардан тўла фойдаланишга даъват этмоқда.

1978 йил учун юксак социалистик мажбурият қабул қилдик. Механизациядан, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш йўли билан узум етиштиришни 1400 тоннага етказамиз. Ҳосилдорлик гектар бошига 200 центнерга етказилади.

Мажбуриятларни бажариш СССР янги Конституциясининг бир йиллигига беш йилликнинг 3,8 йиллик планини адо этиш имконини беради.

Н. ПИРМАТОВ.



Қарли ПАЙЗИБЕКОВ, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз сабзавотчилик бригадаси бошлиғи

— Коллективимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили баҳорини катта умид билан кутиб олдилар. Бригадамизда эртанги сабзавот экинлари экиш ишлари бошлаб юборилди. Бу йил ўтган йили эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ўтган йили ҳар гектар майдондан 439 центнердан сабзавот ҳосили йиғиштириб олдик ва сабзавот етиштириш бўйича беш йилликнинг икки йили планини икки баробар ошириб бажардик.

Бу йил биз ҳар гектар ердан 450 центнердан сабзавот етиштиришга сўз бердик. Бундай ҳосилдорликка эришиш билан биз СССР Конституциясининг бир йиллигига қадар 1978 йил ва умуман беш йиллик топшириғини бажарганлигимиз тўғрисида рапорт берамиз.



Миразиз МИРТУРСУНОВ, Тошкент районидаги Навоий номли колхоз сабзавотчилик картошкачилик бригадасининг бошлиғи.

—Бригадамиз аъзолари тажрибали деҳқон Аҳмаджон Коребоев етакчилик қилаётган бригада коллективи билан мусобақадош. Бу мусобақа ҳар икки бригадага ҳам маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, илғор иш усулларини, фан техника ютуқларини жорий қилишда ёрдам бераётир. Сабзавотчиликдаги кўпчилик жараёнларни механизациялаштиришга эришдик.

Шунинг учун ҳам сабзавот етиштириш ўнинчи беш йиллик икки йили планини 144 процентга, картошка етиштириш планини эса 121 процентга бажардик. Биз бу йил СССР Конституциясининг бир йиллиги шарафига беш йилликнинг тўрт йили планини бажаришга қарор қилдик. Полиэтилен плёнкаси остида сабзавот экинлари парваришлашни кўпайтирамиз. Йиллик планни эртанги маҳсулотлар ҳисобига бажарамиз.



Исмат САЪДУЛЛАЕВ Тошкент районидаги К. Маркс номли колхозининг сабзавотчилик-картошкачилик бригадаси бошлиғи.

— Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида бригадамиз аъзолари яхши меҳнат қилдилар. Ҳар гектар майдондан 360 центнердан сабзавот, 158 центнердан картошка йиғиштириб олдик. Бу бизга маҳсулот етиштиришни икки йиллик топшириғини анча ошириб бажариш имконини берди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби деҳқонларимизнинг меҳнат шижоатларини жўш урдириб юборди. Биз эл дастурхончига юқори сифатли ва арзон маҳсулот етказиб бериш учун бор имкониятлардан тўла фойдаланишга қарор қилдик. СССР янги Конституциясининг бир йиллигига 4,5 йиллик планни бажарамиз. 880 тонна сабзавот, 238 тонна картошка етиштирамиз.



Ҳамидулла НОСИРОВ, Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг теплица комбинати бригада бошлиғи.

— Бригадамиз аъзолари ўтган йили ҳар бир квадрат метр майдондан 17 килограммдан сабзавот ҳосили йиғиштириб олдилар. Пландан ташқари 212 тонна маҳсулот етиштирдик. Ўтган йил натижаларидан мамнунмиз.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини биз зарбдор меҳнат билан нишонлашга қарор қилдик. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан бригадамиз аъзолари СССР янги Конституциясининг бир йиллигига беш йилликнинг 4,5 йили планини бажариш мажбуриятини олдилар. Ҳар квадрат метр майдондан 20 килограммдан сабзавот ҳосили оламиз. 600 тонна маҳсулот етиштириб, пландан ташқари 300 тонна сабзавот сотамиз.



Арслон ОРТИҚОВ, Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг полизчилик бригадаси бошлиғи.

— Ўтган йили Бекобод шаҳри металлурглари ва қурувчилари, район маркази аҳолиси бригадамиз полизчилари етиштирган маҳсулотлардан баҳраманд бўлдилар.

Бу йил ҳам шаҳарлиларнинг қовун-тарвузга бўлган талабларини қондиришга ҳаракат қиламиз. Биз ҳар гектар майдондан 300 центнердан полиз маҳсулотлари йиғиштириб олишга қарор қилдик. Ҳосилдорлик ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошади.

Юксак марра коллективимиз аъзоларига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш имконини беради. Биз СССР Конституциясининг бир йиллигигача беш йилликнинг 4,5 йили планини бажарамиз.

Полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан бирга уларнинг сифатли бўлишига ҳам эътибор берамиз.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТЎЛҚИНИДА

ЧИРЧИҚДАГИ пойафзал фабрикаси ишчи-хизматчилари улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланиб ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар умумхалқ ҳашарини ҳар томонлама самарали ва унумли меҳнат билан ўтказиш режаларини тузиб қўйишди.

Шанбалик куни тежаб қолинган материаллар ҳисобига 6 минг жуфт оёқ кийими тайёрланади. Шу жумладан, 760 жуфт пойафзал давлат Сифат белгиси билан чиқарилади. Барча цехлар коллективлари ҳам коммунистик меҳнат байрамида фаол қатнашишга қарор қилишган. Жумладан, 1-цех пойафзалчилари шу куни бир неча минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарадилар ва аничагина миқдорда хом ашёни тежаб қолишади. 3-цех коллективи эса ўқувчилар учун мўлжалланган 3200 жуфт пишиқ ва ихчам пойафзал ишлаб чиқаришади. Бу олдиндан кулардагидан анча кўпдир. Шу куни корхона территориясини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилади, тушган иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Н. ПИРМАТОВ.

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

«Средазстроймашавтомат изация» монтаж-созлаш бошқармасининг ишчилари, монтажчилари, инженер-техник ходимлари ҳам москвалик илғор саноат корхоналарининг ташаббусига қўшилишиб, Коммунистик шанбалик ўтказишга аҳд қилдилар.

Шанбаликда 318 киши иштирок этади. Бевосита ишлаб чиқариш билан 189 киши, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан юзга яқин киши шуғулланади. Тўрт минг сўмлик бинокорлик ишлари амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш, иш вақти ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш туфайли 2 минг 400 сўмлик фойда олинади.

Н. АБДИЕВ.

ЭЛЧИНИНГ ВИЗИТИ

Ўзбекистон бўйлаб сафар қилаётган Ҳиндистон республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Кумар Гужрал 13 апрель куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев ҳузурида бўлиб, у билан дўстона суҳбатлашди.

(ЎзТАГ).

ДАМАЧИ БАЛИҒИ

Балиқчиларимиз ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авж олдириб юборилган. Улар топшириқни доимо сидқидилдан бажаришга одатланишган. Шу боисдан ҳам ютуқларимиз самарали ва қувончли бўлмоқда.

Кейинги йилларда балиқ боқиб ўстириладиган ҳавзалар кенгайди ва 235 гектарга етди. Ўтган йили ҳар гектар ҳавзадан 38,4 центнердан тирик балиқ олинди. Бу пландагига нисбатан салкам 8 центнердан кўпдир. Шаҳар аҳолисига 7200 ўрнига 9017 центнер балиқ маҳсулоти етказиб берилди.

Балиқларни дудлаш цехи қуввати ортиб, маҳсулот етиштириш кўпайтирилди. Қисқа вақт ичида салкам 600 центнерга яқин сифатли дудланган балиқ тайёрлашга эришилди.

Даромадимиз ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили 583 минг ўрнига 803 минг сўмлик балиқ сотилди. Иқтисод ва тежамкорлик ҳаракати кучайиб бормоқда. Оқибатда маҳсулот таннархи арзонлашаётир. Ўтган йили плондагидан ташқари 54 минг сўмлик фойда олинди.

Бизда ўз ишининг миришкори бўлган балиқчилар кўп. Бу ўринда республикада хизмат кўрсатган чорвадор, Меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери, биринчи класс мастери Ҳамид Анваровнинг иш тажрибаси ибратлидир. У 30 гектарлик ҳавзанинг ҳар гектаридан 60 центнердан балиқ етиштиришга эришди. Иккинчи класс мастери Ислом Усмонов 30 гектар ҳавзадан 50 центнердан семиз балиқ топшириб, кўпчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлди. Р. Багаутдинов, Н. Мамажонов каби балиқчилар ҳам илғорлардан ўрнак олиб меҳнат қилишмоқда.

Дамачи балиқчилари эришилган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Янги-янги резервларни, имкониятларни қидириб топишиб, ишга солмоқдалар. Коллективнинг меҳнат фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан доимо тақдирланиб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Эсдалик байроғи уч йилдан буён бизнинг коллективда сақланиб турилибди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Мактуби асосида иш олиб бормоқдамиз. СССР Конституциясининг бир йиллиги —7 октябргача бешйиллик планни бажаришга сўз бердик. Йил охирига қадар 1900 центнер тирик балиқ сотишга аҳд қилинди. Ишчи ва хизматчиларимиз зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун куч ва ғайратларини аямайдилар.

Т. ФАИЗИЕВ, Калинин районидаги «Дамачи» балиқчилик хўжалигининг экономисти.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БРИГАДА

БЎСТОНЛИҚдаги механизациялашган 2-уйсозлик колоннасининг Иосиф Домбровский бошчилик қилаётган монтажчилар бригадаси коллективи ўзининг унумли ва сифатли меҳнати билан шуҳрат қозонган. Коммунист етакчилигидаги бу бригадани интернационал коллектив деб аташади. Ҳақиқатан ҳам бригада аъзолари турли миллатга мансуб бўлган кишилардир. Лекин, улар жуда аҳил ва иноқ, худди бир оила аъзоларидек фидокорона меҳнат қилишади. Рус, ўзбек, қозоқ, немис ва бошқа миллат вакиллари бирлашган коллективи социалистик мусобақада пешқадамлик қилаяпти.

Илғорлар ўтган хўжалик йилида бригадалараро социалистик мусобақада голиб келишган эди. Йиллик топшириқ 130 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир монтажчи нормадагига нисбатан 35 процент кўпроқ ҳажмдаги қурилиш ишларини амалга оширди. Коллектив зарбдор йилнинг дастлабки икки ойида ҳам баракали меҳнат қилди. Топшириқни бир ярим баравар атрофида бажарди.

Шу кунларда 1978 йилнинг учинчи кварталини ҳисобига меҳнат қилаётган бригаданинг илғор аъзолари меҳнатда янада юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Виндер Гуго, Борис Мисов, Раҳмон Қорақошев, Раҳимжон Рисқиддинов ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ҳар куни нормани икки бараварга етказиб бажармоқдалар ва фақат сифатли меҳнат қилишяпти.

А. ИБРОҲИМОВ.

ГЎШТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Ҳам пахта, ҳам гўшт. Янгийўл районидаги машъал «Коммунизм» колхози аъзолари ана шу шиор остида меҳнат қилиб, йилдан-йилга яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бу колхозда пахтачилик билан бирга чорвачилик ҳам кескин ривожланиб бормоқда. Айниқса, молларни бўрдоқига боқиш намунали ташкил этилади. Эргаш Жалолов, Ориф Юнусов ва Қорабой Пирмахонов сингари чорвадорларнинг маҳорати ва тажрибаси туфайли гўшт етиштириш кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам хўжалик давлатга гўшт топшириш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажаришга муваффақ бўлди. Ҳаммаси бўлиб давлатга 593 центнер семиз гўшт етказиб берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИГА

СЕРГЕЙ БЕЛОКЛОКОВНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ

АНГРЕН керамика комбинатининг ишчилари ўз ўртоқлари Сергей Белоклоковни меҳнатда эришган ғалаба билан қутладилар. Бу комсомол аъзоси шахсий беш йиллик планини муддатидан илгари бажарди: 540 минг квадрат метр плита тайёрлади, иш вақтидан оқилона фойдаланиш, илғор тажрибани қўллашни ёш ишчига бешйиллик топшириқни муваффақиятли адо этишга ёрдам берди. Сергей плита пиширадиган тунел печини ремонт қилмай ишлатишга эришди.

Комсомол аъзоси иккинчи беш йиллик планини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бажариш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ).

ШАНБАЛИК ШТАБИДА

Кеча Тошкент область партия комитетида ленинча коммунистик шанбалик ўтказиш область штабининг мажлиси бўлиб ўтди.

Шанбаликка тайёргарликнинг бориши ҳақида Ғалаба район партия комитетининг иккинчи секретари О. Турғунбоев, Оққўрғон район ижроия комитетининг раиси С. Гоиров, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлимни бошлиғининг биринчи ўринбосари З. Олимжонов ва область автотрестининг бош инженери Ф. Жамолиддинов ахборот бердилар.

Мажлисда Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский сўзга чиқди.

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ИККИ ТУЗУМ ВА ИККИ ДЕМОКРАТИЯ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янада кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, мамлакатнинг барча меҳнаткашларига йўллаган мактуби, шунингдек РСФСР, Белоруссия, Ўзбекистон, Тожикистон, Литва ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг СССР Асосий Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган Конституциялари лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида жуда катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди. Ана шу тарихий ҳужжатлардан илҳомланган совет кишилари ўнинчи йили беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини тўла ва ошириб бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, тобора янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Бу муваффақиятлар айни вақтда совет социалистик демократияси ҳаётий кучининг ёркин ифодаси бўлиб, унинг буржуа демократиясидан устун ва афзаллигини яққол намойиш қилиб кўрсатмоқда.

Демократия — давлат тузуми шаклларидан бири бўлиб, халқ ҳокимияти демакдир. Бинобарин муайян жамиятда давлат ҳокимияти қайси синф қўлида бўлиши, бу ҳокимиятнинг қайси синф манфаатларига хизмат қилиши демократиянинг асосий моҳиятини ифода этади.

Ижтимоий тараққиётнинг қонуний натижаси сифатида вужудга келган совет ҳукумати демократиянинг жуда кенг, энг юқори формасини — меҳнаткашлар учун, халқ жуда катта кўпчилиги учун бўлган демократияни ўзида мужассамлантиради. «Пролетариат демократиясининг шаклларидан бири бўлган Совет ҳокимияти,— деган эди В. И. Ленин,— жуда ҳам кўпчиликни ташкил этувчи омма учун, эксплуатация қилинувчилар учун ва меҳнаткашлар учун демократия соҳасида мисли кўрилмаган тараққиёт ва кенгчиликни вужудга келтирди».

(В. И. Ленин, Асарлар, 28 том, 264-бет).

Социалистик тузумнинг афзаллиги шундаки, у халқ оммаси, ижодий фаолиятининг ривожланиши учун кенг йўл очади, унинг кучига-куч қўшади, барча талант ва қобилиятларининг мазмун ўриб яшнаши учун кенг имконият яратади. Мамлакатимизда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозониб, ривожланган социалистик жамият барпо этилганлиги, коммунистик қурилишда эса эришилаётган буюк муваффақиятлар ана шу имкониятларнинг реал воқеликка айланиши, совет ижтимоий давлат тузумининг ғоят буюк тантанаси бўлди. Бу тузумнинг ҳаётий кучи унинг социалистик коллективизмга ҳамда энг халқчил ва чинакам, кенг демократизга асосланганлигидадир.

Етук социализм демократияси — совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини, унинг чуқур интернационализмини акс эттирувчи олий типдаги чинакам халқ демократиясидир.

СССР Конституцияси —умумхалқ социалистик давлати 60 йиллик тараққиётининг мужассам якунидир. Бу тарихий ҳужжатда етук социалистик жамиятнинг мустаҳкам негизлари — унинг сиёсий ва иқтисодий системалари ривожининг бош йўналишлари ва Совет давлатининг социал сиёсат соҳасидаги вазифалари белгилаб берилган. Миллий тенгсизликка, миллат ва ирқлар орасидаги антагонизмга асосланган буржуа конституцияларига қарама-қарши ўлароқ, Совет Конституцияси жамиятнинг хўжалик, ижтимоий, давлат ва маданий ҳаётига тегишли барча соҳаларида ҳамма миллат ва ирқларнинг тўла тенг ҳуқуқли эканлигини эътироф этади ва таъминлайди. Бу ҳужжат Ватанимизда яшовчи барча миллат, миллий гуруҳ ва халқларни ягона қардошлик оилага бирлаштирган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг асосий Қонунидир. Унда социалистик демократия ленинча принципларининг буюк тантанаси — совет гражданларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари қонуний равишда ўз ифодасини топган.

Конституцияда СССР граждани ўзларининг насл-насабидан, социал ва мулкий мавқеидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва характери, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар қонун олдида тенг эканликлари; уларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиқларини сақлаш, уй-жойли бўлиш, илм олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш, илмий-техникавий ва бадиий ижод эркинлиги ҳуқуқига эга эканликлари, шунингдек қариган ва касалликлари натижасида меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганларида ёхуд боқувчисини қолганларида моддий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканликлари қонунлаштирилиб мустаҳкамланган. Айни вақтда конституциямиз совет гражданларининг мазкур ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга оширилиши уларнинг ўз бурчларини сидқидилдан бажаришлари лозимлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлигини уқдиради. Бинобарин, СССР граждани ҳалол меҳнат қилиши, социалистик мулкни кўз қорачиғидек, асраши ва мустаҳкамлаши, социалистик Ватанни ҳимоя қилиши, миллатлар ва элатлар дўстлигини кучайтириши, болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, жамият манфаатларига зид ножўя ҳаракатларга муросасиз бўлиши лозим. Чет мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш совет гражданининг интернационал бурчидир.

Шундай қилиб, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида айтилганидек, **«Социалистик демократия — ҳуқуқ ва вазифаларнинг бирлигидир, чинакам озодлик ва гражданларча масъулият бирлигидир, жамият, коллектив ва шахс манфаатларининг уйғун мужассамидир».**

Социалистик демократиянинг изчиллиги, унинг чуқур халқчиллик моҳияти совет сайлов системасида айниқса яққол намоён бўлади. СССР Олий Советидан бошлаб, иттифоқчи ва автоном республикалар Олий Советларигача ҳамда халқ депутатларининг маҳаллий Советларигача сайловлар — умумий, тенг, тўппа-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Мамлакатимизда ҳокимият халқникидир. Халқ эса давлат ҳокимиятини СССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширади. Бинобарин, социалистик демократиянинг ғоят халқчиллиги, унинг чинакам интернационал характери советлар фаолиятида айниқса яққол намоён бўлади. Советлар — халқ оммаси билан яқиндан чамбарчас боғланган, дунёда энг демократик оммавий ташкилотдир. Бу ташкилот ўн ва юз мингларча ишчилар, деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция учун идора мактабидир. Советлар давлат ҳокимиятининг органлари сифатида ҳам, меҳнаткашларнинг социалистик демократияни ҳар томонлама кенгайтириш, оммани ўзининг беш йиллик план-топшириқларини, партия съездлари, КПСС Марказий Комитети Пленумлари ва СССР Олий Совети сессиялари қарорларини амалга оширишга сафарбар қилиш Советлар фаолиятининг асоси эканлиги уқдирилди. СССР Олий Совети Президиумининг 1977 йил 17 июндаги мажлисида ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деган эди: «Ҳар қандай Советимиз олий ҳокимиятнинг бир қисми, Советлар ўз компетенциясига киритилган, ҳамма масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлишидан ташқари умумдавлат қарорларини ўтказувчи бўғин сифатида ҳам иш кўради».

Социалистик демократиянинг буржуа демократиясидан беқиёс афзаллиги яна шундаки, бизда совет халқи мамлакатнинг ҳақиқий ва бирдан-бир хўжайинидир. Мамлакат сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий турмушининг ҳамма муҳим масалалари (мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планларининг, социалистик қонунчилигимизга оид барча йирик ҳужжатларининг лойиҳалари) Ватанимиз меҳнаткашларининг ғоят кенг ва бевосита иштирокида муҳокама қилиниб, ҳал этилади. Масалан, никоҳ ва оила тўғрисидаги, пенсиялар ҳақидаги, табиатни муҳофаза қилиш масалалари ҳусусидаги қонунлар ана шундай йўл билан қабул этилди. Бу факт социалистик демократия улуғворлигининг, партия ва совет халқи монолит бирлигининг ёркин самарасидир.

Коммунистик партия раҳбарлигининг самарадорлиги шундаки, у мамлакат ички ва ташқи сиёсатига онда энг муҳим ҳаётий масалаларни ишлаб чиқишда халқ оммаси билан ошкора маслаҳатлашади, омманинг фикр ва мулоҳазаларини зийраклик билан ҳисобга олади. Масалан, КПСС XXV съезди қабул қилган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасининг муҳокамасида 7,6 миллион киши сўзга чиқиб, бир миллиондан кўпроқ таклифлар тушди ва мулоҳазалар билдирилди.

СССР янги Конституциясининг лойиҳаси эса, қарийб тўрт ой давомида умумхалқ томонидан кенг ва қизғин муҳокама қилинди. Унда 140 миллиондан ортиқ совет кишиси, яъни мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғи қатнашди. Муҳокамада бутун партиямиз иштирок этди. 450 мингдан зиёд очиқ партия йиғилишлари ўтказилиб, уларда 3 миллиондан ортиқ киши сўзга чиқди. Шунингдек, лойиҳа бутун советлар, бутун халқимизнинг ваколатини олган 2 миллиондан зиёд депутатлар томонидан ҳам кўриб чиқилди. СССР Конституцияси лойиҳасининг муҳокама қилинишида республикамиз меҳнаткашларининг катта кўпчилиги — қарийб 10 миллион киши қатнашди.

Ўзида интернационализм марксча-ленинча принципларини мужассамлаштирган совет социалистик демократияси кўп миллатли умумхалқ социалистик давлатини мустаҳкамлашнинг қудратли қуролидир. СССР Олий Советида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг мавжудлиги мамлакатимизда яшовчи барча миллат ва халқларнинг специфик талаб ва манфаатларини акс эттиради. 15 та суверен Иттифоқчи миллий республикани ўзига бирлаштирган совет ижтимоий ва давлат тузуми эса Ватанимизда яшовчи барча халқларга миллий ҳокимиятни бошқаришни, экономика, фан ва маданиятни мисли сиз тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлайди. Ҳозир қизғин муҳокама қилинаётган Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг лойиҳаси бу фикрнинг янги ёркин далилидир.

Бу тарихий ҳужжатда республикамизнинг социалистик-коммунистик қурилиш йилларида эришган буюк муваффақиятлари умумлаштирилиб якунланган, Ўзбекистон ССР Совет Социалистик республикалари Иттифоқи составидаги тенг ҳуқуқли суверен республика эканлиги қайд этилиб, қонунлаштирилган. «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси,— дейилади лойиҳанинг биринчи моддасида,— республика ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг, барча миллатлари ва элатлари меҳнаткашларининг ирода ва манфаатларини ифодаловчи социалистик умумхалқ давлатидир».

Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг қабул қилиниши республикамизда миллий совет давлатчилигини янада ривожлантиришда, социалистик демократияни янада кенгайтириш ва ривожлантиришда янги, муҳим босқич бўлади.

Буржуа давлат тузумининг иқтисодий негизи ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик ва унга асосланган капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларидир. Бу тузум кўпчиликни ташкил қилган миллионларча меҳнаткашлар билан озчиликни ташкил қилган бир тўда эксплуататорлар ўртасидаги синфий тенгсизлик ва зиддиятга асосланади. Буржуа тузуми каби унинг демократияси ҳам ўз моҳияти билан капитал манфаатларини ҳимоя қилиш ва меҳнаткашларни асоратда сақлаш қуролидир. **Сиёсий найрангбозлик ва ашаддий миллатчилик, зўравонлик ва талончилик, фирибгарлик ва сотқинлик, сохтакорлик, пора бериш ва алдов — буларнинг ҳаммаси буржуа демократиясининг энг муҳим характерли хусусиятларидир.** Бу хусусиятлар капиталнинг асл табиатидан келиб чиққан.

К. Маркс таъбири билан айтганда, буржуазия вужудга келган пайтидан бошлабоқ, янги туғилган капиталнинг бутун вужудини қоплаб олган қон ва ифлослик изларини ҳам ўзи билан олиб келди. Шу сабабдан, буржуа жамиятида ҳокимиятнинг энг демократик формаси мавжуд бўлганида ҳам капитал ҳукмрон эди ва ҳозирда ҳам шундайдир. Капиталистик жамиятдаги бутун ижтимоий ҳаёт, буржуа фани ва маданияти, адабиёти ва санъати, унинг сотқин матбуоти ва ахлоқи, сиёсати ва демократияси ана шу разил мақсадга қаратилган.

Империализм идеологлари рад қилиб бўлмайдиган бу фактни сохталаштиришга уриниб, буржуа мамлакатларида демократия ҳақида, барча гражданларнинг, шу жумладан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида жар соладилар. Бироқ, бу демократия ва ҳуқуқ бир тўда капиталистлар учунгина хизмат қилиб, амалда меҳнаткашларни демократик эркинликлардан маҳрум этади. «Капиталистик жамиятнинг демократизми,— деган эди В. И. Ленин,— йўқ даражадаги озчилик учун хизмат қиладиган демократиядан, бойлар учун бўлган демократиядан иборатдир». (Асарлар, 25 том, 443-бет). Ҳозирги замон тузуми, унинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёти бу фикрнинг тўғрилигини қайта-қайта тасдиқламоқда.

Буни буржуа сайлов системасида айниқса яққол кўриш мумкин. Буржуа сайлов системаси ҳар хил цензлар — (шарт)-лар қўйиш ва турли найрангбозлар ишлатиш йўли билан меҳнаткашлар оммасининг жуда кўпчилигини сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида сайлов ҳуқуқларини чеклайдиган 50 дан ортиқ турли тўсиқлар мавжуд. Ўн миллионлаб сайловчи сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. Мамлакатнинг 9 штатида мулксиз кишилар, 41 штатида жазони ўтаб келган кишилар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган. Сайлов қонунларига мувофиқ АҚШда 300 доллар, Англияда 150 фунтстерлинг, Канадада 200 доллар, Жанубий Африка республикасида 50 фунт-стерлинг миқдорда мулки бўлган кишиларгина сайлов ҳуқуқига эга бўлади.

Капиталистик мамлакатларда ёш цензининг жорий қилинаётганлиги ҳам миллионларча меҳнаткашларни сайлаш ва сайланишдан четда қолдирмоқда. Масалан, Италия сенатига 40 ёшга, АҚШ сенатига 30 ёшга тўлган кишиларгина сайлана оладилар. Бу мамлакатда ҳамма нарсанинг, шу жумладан сайлов кампаниясининг асосига ҳам доллар қўйилган.

Кўпчилик буржуа мамлакатларида ҳарбий хизматчилар ҳам, хотин-қизлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Буржуа демократияси ҳақиқатда бир тўда капиталистларнинг, банкирларнинг, ер магнатларининг, йирик савдогарларнинг демократиясидир. Бунинг учун СССР Олий Совети билан Америка конгрессининг социал составини таққослаб кўришнинг ўзи кифоя. Масалан, бизда Олий Совет депутатларининг 50,7 процентини ишчилар, колхозчилар ва 49,3 процентини меҳнаткаш интеллигенциянинг вакиллари ташкил этган бўлса, АҚШ Конгресси депутатларининг 83 процентини банкирлар, бизнесменлар, адвокатлар ташкил этади. 535 сенатор ва конгресс аъзосидан уч кишигина касаба союз вакиллари ҳисобланади ва икки кишигина ўзини «меҳнаткаш синфга мансуб» дея олиши мумкин. ГФР бундестагининг 518 аъзосидан фақат саккизтасигина ишчидир, тўғрироғи ишчи аристократиясининг вакилларидир. Бинобарин, капитал мамлакатларининг бутун ижтимоий ҳаёти монополиялар деспотизмининг ҳукмронлиги остидадир. «Капиталистик жамиятда,— деган эди В. И. Ленин,— меҳнаткашлар иқтисодий турмушининг асосий масалаларини, уларнинг оч-ялонғоч ёки яхши кун кўришларини капиталист ҳудодек ҳал қилади. Барча капиталистик мамлакатларда, демократик республикаларда сотқин буржуа матбуоти бундай даврларда халқнинг диққатини чалғитади, бу матбуот, сўз эркинлиги деб аталади, омманинг кўзини бўяш учун, оммани алдаш учун найрангларни ишга солади» (Асарлар, 30 том, 528-бет).

Шунга қарамай, капиталистик тузумнинг маддоҳлари буржуа демократиясини, жумладан «Америка демократиясини»ни кўкларга кўтариб мақтаб, ижтимоий ҳаёт, буржуа фани ва маданияти, адабиёти ва санъати, унинг сотқин матбуоти ва ахлоқи, сиёсати ва демократиясини

СУТ БУЛОҒИНИ ТОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида» Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактубини область чорвадорлари қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Бригада ва фермаларнинг коллективлари, чорвачилик илғорлари 1978 йил топшириқларини ва умуман ўнинчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш мақсадида қўшимча резервларни излаб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар.

Республика уста чорвадорларининг меҳнат унумдорлигини ҳамда соғин сигирлар маҳсулдорлигини янада ошириш юзасидан чақириқларини қўллаб-қувватлаган илғор сут соғувчилар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» тажриба базасидан А. И. Чудная, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан М. Исоқова ва шу колхоздан Қ. Файзиева, шу райондаги Навоий номли колхоздан В. Шобобоева, Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоздан М. Ким, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан К. Нурматова, Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан Т. Серикбоева, Калинин номли колхоздан Ш. Примова, Куйбишев номли колхоздан Ғ. Жиянбоева, Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумидан Е. Т. Шереметьева ва Г. Соғинбоевалар ялпи сут соғиб олиш 1978 йил планини ССРР янги Конституциясининг бир йиллигига бажарииш, ўзларига бириктирилган сигирларнинг ҳар биридан 5000—5500 килограммдан ва ундан ҳам ошириб сут соғиб олиш, ўнинчи беш йиллик планни 3,5—4 йилда бажариш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар.

Бу ташаббускор чорвадорлар оширилган социалистик мажбуриятларини ўзларининг касб-маҳоратларини тинмай ошириб бориш, сут соғиш аппаратлари ва бошқа механизмлардан юқори унумли фойдаланиш, сут етиштиришга фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этиш, соғин сигирларни парвариш қилиш ва озиқлантиришни яхшилаш соҳасидаги фидокорона меҳнатлари билан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Область партия комитети илғор чорвадорлар — А. И. Чудная, М. Исоқова, Е. Т. Шереметьева, Г. Соғинбоева, М. Ким, Г. Жиянбоева, Ш. Примова, Т. Серикбоева, К. Нурматова, В. Шобобоева, Қ. Файзиеваларнинг ялпи сут етиштириш 1978 йил планини ССРР Конституциясининг бир йиллигига бажариш, ҳар бир сигирдан 5000—5500 килограммдан ва ундан ҳам ошириб сут соғиб олиш, ўнинчи беш йиллик планни 3,5—4 йилда бажариш юзасидан ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, область касаба союзлари Советига, область комсомол комитетига, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасига, «Ташсадвинсовхоз» трести ва унинг жойлардаги органларига ушбу қарорни ҳамма ерда кенг муҳокама қилиш, областнинг илғор сут соғувчиларн ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш топширилди.

Область ва район газеталари редакцияларига, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига илғор сут соғувчиларнинг иш тажрибаларини, область чорвадорларининг ССРР янги Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақаларнинг кенг ёритиб бориш топширилди.



Анастасия ЧУДНАЯ,

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» тажриба базаси машинада сут соғиш оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Ўнинчи беш йиллик учинчи йилининг биринчи квартали муваффақиятли тугади. Барча меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан юксак меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон.

Беш йилликнинг икки йиллик ялпи сут соғиб олиш планини 125 процент қилиб бажардим. Бунда 1977 йили қарамоғимдаги соғин сигирлардан жами 755 тонна, ҳар биридан эса, ўртача 4368 килограммдан сут соғиб олганлигим ҳал қилувчи роль ўйнади.

Беш йилликнинг учинчи йилидаги планим янада катта. 7 октябрга қадар, яъни СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунига 1978 йил планини бажаришга сўз бердим. Беш йиллик топшириғини эса тўрт йилда бажараман.



Мунаввар ИСОҚОВА,

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Колхозимиз фермасига ишга келганимга йигирма йил бўлди. Сут соғувчилик касби сирларини эринмасдан, синчковлик билан ўрганиб бордим. Ниҳоят ўтган юбилей йилида ўз фаолиятимда энг юқори кўрсаткичга эришишга муваффақ бўлдим. Қарамоғимдаги соғин сигирлар маҳсулдорлигини 6287 килограммга етказдим.

Ҳар бир сут соғувчининг ўзи эришаётган меҳнат кўрсаткичларини йилдан-йилга юксалтириб боришга ҳаракат қилиши табиийдир. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби ҳам ҳар бир меҳнат кишисини ана шундай ишлашга даъват этади. Мен ҳам зарбдор йил учун олган социалистик мажбуриятимни сўзсиз бажаришга сидқидилдан ҳаракат қиламан. Қарамоғимдаги 40 бош сигирдан жами 240 тонна сут соғиб оламан ва 1978 йил планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажараман.



Қутбн ФАЙЗИЕВА,

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси

Колхозимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Ҳар бир сут соғувчи бу Мактубга юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш билан жавоб беришга, беш йилликнинг иккинчи йилида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада кўпайтиришга эришишга қарор қилдилар.

Ўтган йил мен учун муваффақиятли келди. Қарамоғимдаги моллардан жами 152 тонна, ҳар биридан эса 5893 килограммдан сут соғиб олдим.

Бу йил учун қабул қилган мажбуриятим янада юксак. Қарамоғимдаги 26 бош сигирдан 5900 килограммдан, жами 150 тонна сут соғиб олишга аҳд қилдим. 1978 йил планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунига бажараман.



Вазира ШОБОБОЕВА,

Тошкент районидаги Навоий номли колхоз сут соғувчиси

Сут соғувчи бўлиб ишлаётганимга олти йил бўлди. Илғорлар тажрибасини қўллаб, техникадан оқилона фойдаланиб, қисқа вақт ичидаёқ қувончли натижаларга эришиш мумкинлигига ўз фаолиятимда ишонч ҳосил қилдим. Масалан, ўтган йили ҳар бош сигирдан ўртача 5906 килограммдан сут соғиб олдим. Бу колхозимиз бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

Оиламиз чорвадорлар оиласи ҳисобланади. Отам фермада молбоқар бўлиб ишлаганлар Онам сут соғувчи бўлиб ишламоқдалар. Синглим Ҳанифа ҳам етуклик аттестатини олганидан сўнг фермага келди.

Чорвадор деган шарафли номни оқлаш мақсадида бу йил ҳар бош сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб олишга, йиллик планни 7 октябрга, ўнинчи беш йиллик топшириғини эса 3,5 йилда тўла бажаришга эришиш мажбуриятини олдим.



Марня КИМ,

Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз сут соғувчиси.

Дастлаб фермага келганимда шогирд бўлдим. Кейин мустақил ишлашга ўтдим. Шунга ҳам йигирма беш йил бўлибди. Мана энди ўзим кўплаб шогирдлар етиштирмоқдаман. Шогирдим Надежда Афанасьева ўтган йили қарамоғидаги сигирлардан ўртача 4600 килограммдан сут соғиб олди. Унинг бу ютуғидан мен ҳам чексиз қувондим. Чунки, фермамиз коллективи яна бир тажрибали сут соғувчи ҳисобига мустаҳкамланди.

Ўтган йили мен ҳам ҳар бош сигирдан 5048 килограммдан сут соғиб олиб, юқори кўрсаткичга эришдим. Бу беш йилликнинг дастлабки икки йили планини 127 процент қилиб бажаришимга имкон яратди.

Беш йилликнинг зарбдор йилида янада унумлироқ меҳнат қилиб, йиллик планни Улуғ Октябрь юбилейигача бажаришга, ҳар бир сигирдан эса 5200 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилдим. Бу мақсадимга сўзсиз эришиб, ўнинчи беш йиллик топшириғини эса 3,5 йилда тўла бажараман.



Кимё НУРМАТОВА,

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда областнинг энг илғор хўжаликларидан бўлган колхозимизда уста сут соғувчилар кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай тажрибали сут соғувчиларни ортда қолдириб, ўтган йили социалистик мусобақа ғолиби бўлганлигимга дастлаб ишонмай ҳам қолдим. Бу илғорлик зарбдор йилда ҳам пешқадамликни қўлдан бермай меҳнат қилишга даъват этади.

Юбилей йилида қарамоғимдаги ҳар бош сигирдан 5254 килограммдан сут соғиб олиб, йиллик планни 146 процент қилиб бажарган бўлсам, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида бундан ҳам юксак кўрсаткичга эришишга аҳд қилдим. Мен ўз имкониятларимни ҳисобга олиб, қарамоғимдаги сигирлар маҳсулдорлигини 5500 килограммга етказаман, йиллик планни ССРР янги Конституциясининг бир йиллигига, ўнинчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажараман.



Турғуной СЕРИКБОЕВА,

Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг сут соғувчиси.

Сут соғувчи бўлиб ишлаётганимдан бери ўтган йили биринчи марта энг юқори кўрсаткичга эришдим. Боқимимдаги сигирлардан ўртача 5521 килограммдан сут соғиб олиб, йиллик планни 185 процентга етказиб адо этдим. Бу фақат бизнинг хўжаликда эмас, балки район миқёсида энг яхши кўрсаткичлардан биридир.

Ўтган йили қўлга киритган ютуғим яна шу нарсани исбот қилдики, биз сут соғувчилар ҳар доим ҳам мавжуд имкониятларимиздан тўла фойдаланавермаймиз. Ўйлайманки, беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида ҳамма мавжуд резерв ва имкониятларни тўла ишга солиш, социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ҳамкасбларимнинг шарафли бурчидир.

Бу йил қарамоғимдаги ҳар бош сигирдан 5500 килограммдан сут соғиб олишга, йиллик планни 7 октябргача, ўнинчи беш йиллик топшириғини эса 3,5 йилда бажаришга сўз бердим.



Шакар ПРИМОВА,

Калинин районидаги Калинин номли колхоз сут соғувчиси.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби колхозимиз аъзоларини янги меҳнат зафарлари сари руҳлантириб юборди. Улар колхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма участкаларида юксак меҳнат кўрсаткичига эришиш билан бу Мактубга амалий жавоб беришга қарор қилдилар.

Мен ишлаётган сут-товар фермамиз сут соғувчилари ҳам юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Мен ўз имкониятларимни қайта кўриб чиқиб, зарбдор йил учун ҳар қачонгидан ҳам улкан маррани белгиладим. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ўтган йили фойдаланилмай қолган резервлар анчагина.

СССР янги Конституциясининг бир йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, боқимимдаги сигирлар маҳсулдорлигини 5200 килограмга етказаман ва йиллик планни 7 октябргача бажараман.



Гулюзим ЖИЯНБОЕВА,

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз сут соғувчиси

Беш йилликнинг ўтган икки йили давомида яхши меҳнат кўрсаткичларига эришдим. Ялпи сут соғиб олиш планини 150 процентга етказиб адо этдим. Демак, ўнинчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариш юзасидан олган мажбуриятимни ёруғ юз билан адо этишим учун ишончли замин яратилди.

Беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида юксак меҳнат кўрсаткичига эришишга ҳаракат қиламан. Бу менинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобим бўлади. Уз имкониятларимни кўриб чиқиб, ялпи сут етиштириш 1978 йил планини Октябрь юбилейига бажаришга, қарамоғимдаги ҳар бош сигирдан 5500 килограммдан сут соғиб олишга сўз бердим.

Бир сўз билан айтганда бу йилги мажбуриятимни тўла адо этиб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда сўзсиз бажараман.



Екатерина ШЕРЕМЕТЬЕВА,

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг сут соғувчиси

Хўжалигимиз сут соғувчиларн меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришишлари билан донг тараткадилар. Шуниси қувончлики, маҳсулдорлик узлуксиз ошиб бормоқда. Бу сут-товар фермаларимизда юксак унум билан ишлаш учун барча шарт-шароитлар тўла яратиб берилганлиги шарофатидир.

Сут соғувчиларимиз ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақани ютуқларимиз гарови бўлаётган асосий факторлардан бири сифатида алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ўзаро қизғин меҳнат беллашуви КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобим бўлади. Уз имкониятларимни кўриб чиқиб, ялпи сут етиштириш планини 147 процент қилиб бажардим. Бу йил ҳар бир сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб оламан. Ўнинчи беш йилликни уч ярим йилда бажараман.



Гулсун СОҒИНБОЕВА,

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг сут соғувчиси

Мен Екатерина Шереметьева, Нина Письменная, Антонина Пономаревалар сингари тажрибали дугоналаримдан жуда миннатдорман. Улар туфайли икки йиллик қисқа муддат ичидаёқ катта тажриба мактабидан ўтиб, соғувчилик касбини мукаммал эгаллашга муваффақ бўлдим. Пландаги 186 тонна ўрнига 239 тонна сут соғиб олиб, беш йилликнинг ўтган икки йиллик планини 128 процент қилиб бажардим. Ўтган йили эса ўзимга бириктирилган ҳар бош сигирдан ўртача 5389 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлдим.

Тажрибали дугоналарим сингари мен ҳам беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат билан якунлаш учун юксак социалистик мажбурият қабул қилдим. Уз қарамоғимдаги сигирлар маҳсулдорлигини 5500 килограммга етказаман, 1978 йил планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажараман. Бу ўнинчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариш имконини берадм.

ҚЎЗИ ОЛИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз қўйчивонлари районда биринчи бўлиб қўзилатиш планини бажардилар. Хўжаликдаги мавжуд 2820 бош совлиқдан пландаги 2598 ўрнига 2650 та қўзи олиндн.

Тўхта Йўлдошев, Абдусамат Ҳолиқов, Абдусалом Абдураимов ўртоқлар бош чўпон бўлган отарларда, айниқса, яхши натижаларга эришилди.

Совхоз қўйчивонлари ҳар юз бош совлиқдан олинадиган қўзиларни 110 таданга етказишни мўлжаллаяптилар.

В. УРИЦКИЙ.

ЧОРВАДОРЛАРГА СОВҒА

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози чорвадорларига бинокорлар ажойиб совға топширдилар. Колхознинг сут-товар фермасида 216 бош соғин сигирга ва 180 бош олти ойгача боқиладиган бузоқларга мўлжалланган комплекс қуриб битказилди.

Антон Ким бошчилигидаги бинокорлар меҳнатидан ферма коллективи ниҳоятда миннатдор. Бу бригада коллективи ўнинчи бешйилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат билан якунлаш учун юксак социалистик мажбурият қабул қилдим. Уз қарамоғимдаги сигирлар маҳсулдорлигини 5500 килограммга етказаман.

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ХАТЛАРИГА ОБЗОР

ЗАРБДОР ЙИЛДА ЗАРБДОР СУРЪАТ

Ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида она-Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашаётган пойтахт области пахтакорлари дастлабки синовдан муваффақиятли ўтдилар. Эрта баҳорда сифатли қилиб тайёрланган 136 минг гектар майдонга барака уруғи қисқа муддатларда сифатли қилиб экиб бўлинди.

Бу йил Бекобод районн пахтакорларининг ғайрат-шижоатлари ўзгача. Улар давлатга 68 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга аҳд қилишган. Шунинг учун улар ерга барака уруғи қадашни областда биринчилар қатори бошлаб, бу ишни ғоят уюшқоқлик билан ўтказдилар. Айниқса, «Победа», Навоий номли ва Дзержинский номли колхозларнинг миришкор деҳқонлари чигит экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишди.

Райондаги «Ленинград» совхозининг 4-бўлими механизаторлари кўрсатган жасорат, айниқса, таҳсинга сазовордир. Бу азаматлар мавжуд 6 та сеялкани тинимсиз ишлатиб, 420 гектар майдонга уч иш кунидаёқ барака уруғи қадашга муваффақ бўлдилар. «Победа» колхозидан Раҳмонберди Ортиқбоев, Дзержинский номли колхоздан Карим Отабековлар бошлиқ бригада коллективлари ҳам чигитни тез ва соз экишда бой тажрибага эга экалкиларини намойиш қилдилар.

«Ленин йўли» колхоза аъзолари бу йил 1295 гектар ерда деҳқончилик қилишаётир. Улар ҳамма майдонга 108-Ф навли чигит экиб, бу ишни Ўрта Чирчиқ райони хўжаликлари орасида биринчи бўлиб тугалладилар.

Чиноз районидаги Собир Раҳимов номли колхозининг Ғафур Мунавваров бошлиқ бригадаси пахтакорлари қулай об-ҳаво шароитидан оқилона фойдаланиб, 106 гектар пахта майдонига олти-етти иш кунида сифатли қилиб барака уруғи қададилар. Улар тажрибаси хўжаликда кенг оммалаштириб, чигитни ернинг намига тўла ва бир текис ундириб олиш учун яхши имкониятлар яратилди.

Оққўрғон районидаги илғор хўжаликлардан ҳисобланган «Ленинобод» колхози правлениеси йилдан-йилга пахтачиликни комплекс механизациялаштириш учун кўплаб маблағлар ажратмоқда. Шу йилнинг ўзида 6 та «ДТ-28ХЛ4» агрегати, 2 та «ДТ-4» ва 7 та транспорт тракторлари сотиб олинди.

Ҳозирги кунда областимиз хўжаликлари пахта далаларида чигитни бир текис ва тўла ундириб олишга қаратилаётир. Дастлабки чигит ташланган майдонларда илк ниҳоллар кўзга ташланиб қолди. Ҳадемай, барака уруғлари текис униб чиқиб, дастлабки парвариш ишлари бошлаб юборилади.

Шу кеча-кундузда ишчи-деҳқон мухбирларнинг редакциямизга йўллаётган мактубларида пахтакорларнинг ғўзага дастлабки агротехник ишлов беришни бошлашга қандай тайёргарлик кўраётганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу мактубларнинг аксариятида область сабзаворкорларининг ҳозирги кундаги меҳнат фаолиятлари ўз аксини топган.

Дарҳақиқат, беш йилликнинг зарбдор йилида сабзаворкорлар олдида ҳам катта вазифалар турибти. Айниқса, эртаки сабзавот турларини тез ва сифатли экиб олиш, ҳосилни барвақт етиштириб, эл дастурхонига тортиқ этиш ҳаракати тобора кенг қулоч ёйди. Бу йўлда кўплаб хўжаликлар полиэтилен плёнкасидан оқилона фойдаланмоқдалар. Бу усулни пухта ўзлаштириб олган деҳқонлар эртаки экинларини барвақт етиштириб, кўплаб соф даромад олмоқдалар. Бу эса уларнинг меҳнат активлигини янада оширмоқда.

«Тошкент» совхози ишчилари, айниқса, эртаки карамдан мўл ҳосил етиштиришда катта тажриба тўпладилар. Бу йил совхозининг 1-бўлими ишчилари ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилдилар. Улар пландаги 15 гектар ўрнига 30 гектар ерга эртаки карам кўчати экиб, камида 20 тоннадан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар.

Оҳангарон районидаги Тошкент от заводининг Энвер Кешфитдинов бошлиқ далачилик бригадаси аъзолари ўтган йили 280 тонна ўрнига 400 тоннадан знёд сабзавот маҳсулотлари топшириб, ҳосилдорликни 350 центнерга етказган эдилар. Уларнинг бу йилга белгилаган марралари янада юксак. 15 гектар майдонга экиладиган помидор ҳосилдорлигини 400 центнерга етказишмоқчи.

Собир Раҳимов номли колхоз Оҳангарон районидаги энг кўп картошка етиштирадиган хўжаликдир. Совхоз ишчилари бу йил 4530 тонна картошка етиштириш мажбуриятини олишган. Бунинг учун сифатли тайёрланган майдонларга фақат юқори кондицияга етказилган, дориланган ва сараланган уруғ экилди.

Ҳосир фақат деҳқонлар учунгина эмас, чорвадорлар учун ҳам масъулиятли даврдир. Чунки қишлоқ якунланиб ёз мавсумига ўтиш даври бошланди. Шунинг учун ҳам чорвадорлар жамғарилган озуқани аниқ рацион асосида тежаб-тергаб сарфлаб, чорва моллари маҳсулдорлигининг пасайишига йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада Бўка районидаги Ильич номли колхоз сут-товар фермаси коллективининг ишлари диққатга сазовордир. Рационга қатъий амал қилаётган сут соғувчилардан З. Мирзамамбетова, Р. Сулаймонова, Т. Йўлдошева, П. Рисқуловалар шу йилнинг ўтган даври мобайнида 1977 йилдагига нисбатан 170—285 литрдан кўп сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 2-наслчилик фермаси чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан зарбдор йилда 741 тонна сут ва 75 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олишган. Ферма бўрдоқибоқарлари эса яқинда йиллик социалистик мажбуриятларини бажаришганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Ғўштга топширилган ҳар беш қорамолнинг тирик вазни ўртача 550 килограмданга тўғри келди. Бу ўринда социалистик мусобақанинг таъсирчан кучини алоҳида таъкидлаш лозим. Чорвадорлар ўртасидаги ўзаро меҳнат беллашувига ҳар ўн кунда якун ясалиб, ғолиблар 30 сўм пул ва вимпеллар билан рағбатлантириб борилаётганлиги ҳал қилувчи роль ўйнаётир.

Айни кунларда областимизнинг қўйчилик хўжаликлари отарларида қўзилатиш кампанияси қизғин давом этаётир. Жумладан, «Оҳангарон» совхози чўпонлари қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Хўжаликнинг бош чўпони Адҳам Турунов пландаги 95 ўрнига ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олишга сўз берган эди. Ҳозир унинг отаридаги аксарият қўйлар эгиз қўзиламоқда.

Совхознинг Абдухошим Абдурахмонов, Турдиали Жўраев, Мўмин Каримов, Исмат Эргашев ва бошқа бош чўпонлари отарларида ҳам қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтмоқда. Улар ҳам ҳар юз бош совлиқдан 110—120 тадан қўзи олиш учун курашмоқдалар.

Юқоридагилар ҳақида жамоатчи мухбирлардан **Н. Тўфонов, А. Обидов Х. Тўрабеков, З. Юсупов, Н. Абдурасулов, Т. Дусонов, Э. Бутуйбоев, А. Мидиров ва Ҳ. Асроқуловлар** ёзиб юборишган.

Пахтакору-соҳибкор, боғбону-чорвадор, сабзаворкору-галлакорларнинг шу кеча-кундуздаги фидокорона меҳнатлари, орзу-умидлари редакциямизга ҳар куни келиб турган хат-хабарларнинг асосий мазмунини ташкил этаётир. Тошкент районидан **Т. Жўраев**, Бекобод районидан **С. Болтабоев** ва **А. Бобоназаров**, Ғалаба районидан **Х. Оллоназаров** ва **Р. Муродова**, Чиноз районидан **Г. Мамбетова**, Оққўрғон районидан **М. Тожибоева** ҳамда **М. Турсуновлар** ўз мактубларида область меҳнаткашларининг зарбдор йилдаги зарбдор меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилишган.

КАМОЛОТ МАКТАБИ

ҲУНАР-ТЕХНИКА таълими халқ хўжалигининг барча соҳалари учун маданий, техник саводли, юқори малакали ишчи-кадрлар тайёрлашга даъват этилган. Дарҳақиқат, ҳунар-техника билим юртида таҳсил кўрган ўғил-қиз ўзи танлаган касбнинг моҳир устаси бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам бу даргоҳларда «Бугун — билим сифати, эртага юксак иш самарадорлиги» шиорига қатъий амал қилинмоқда.

— Бу ҳайрли ишда саноат корхоналарининг оталиқ ёрдами катта бўлмоғи лозим, — дейди Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси С. ЧИНАЕВ. — Ҳозир бошқармамиз ихтиёрида бирнеча билим юрти бор.

Билим юртлари ўнбеш мингдан ортиқ ёш ишчига йўлланма берди. Шулардан саккиз мингдан ортиқ киши ҳозир бошқармамиз цех ва бўлимларида илғор ишчилар сифатида фаол меҳнат қилишяпти. Бу йил 1300 ўсмир ишчилар синфи сафига қўшилади.

Муносиб ўринбосарлар тайёрлашда 2-ҳунар-техника билим юртининг хизмати катта. Корхонага ишга келаётган ёшларнинг аксарияти шу даргоҳдан чиққан ёшлардир. Эндиликда бирлашмада кенг танилган, етакчи касб эгаларидан икки марта Ленин ордени кавалери И. М. Басанц, слесарь П. К. Петин, «Ҳурмат белгиси» орденли М. Оманбоев ва бошқалар мазкур билим юрти учирма қилган қалдирғоч кадрлари ҳисобланади. Умуман, ўз фаолияти давомида бу даргоҳ ўн мингдан ортиқ ҳунар эгасига йўлланма берди.

Билим юртида таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Амалий машғулотлар олиб бориш учун 12 та кабинет ажратилган. Улар радиолаштирилиб, замонавий техника воситалари билан тўла жиҳозланган. Махсус қурилмалар ёрдамида ўқувчилар билимлари тез ва аниқ баҳоланаётир.

Дастгоҳларни бошқаришда ҳам бу усул қўл келди. Ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган 60 та дастгоҳнинг кўпчилигидан программали бошқарув асосида фойдаланилмоқда. Таълим-тарбияда қўлга киритилаётган ютуқлар, техника воситаларидан унумли фойдаланилаётганлиги кабинет системасининг шарофатидир.

Касб ўргатишнинг бу илғор системаси билим юрти педагогик коллективи шуҳратига шуҳрат қўшди. Тажрибали ва кекса ўқитувчи ҳамда моҳир усталарга «Давлат меҳнат резервлари аълочиси», «СССР Қора металлургия аълочиси», «Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими аълочиси» деган номлар берилди. Билим юртида чорак асрдан бери муносиб ўринбосарлар тайёрлаб келаётган Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери А. В. Матинкин эса ана шу уччала фахрли ном нишондори сифатида катта ҳурмат топди. Ишлаб чиқариш устаси Н. И. Пак ҳам 25 йиллик педагогик фаолиятга эга. У ҳам ҳунар-техника таълими аълочиси нишондори. Н. Пак қўлида таҳсил кўрган А. Морозов, Р. Булатов сингари моҳир педагоглар ҳам севимли устози билан бирга шу қутлуғ даргоҳда ишлаб, бахт топганлардан.

Бирлашма ҳузуридаги билим юртлари қаторига ўтган йили яна бир даргоҳ қўшилди. Ўқувчиларга ҳам ҳунар, ҳам ўрта маълумот берувчи кадрлар ўчоғи сифатида иш бошлаган бу билим юрти иши билан яқиндан танишдик.

Тўрт қаватли ҳашаматли бино унинг ихтиёрида. Бу ўқув корпусида ҳозир 720 ўғил-қиз таҳсил кўрмоқда. Машғулотлар кабинет системаси асосида олиб борилмоқда. Мавжуд 19 та кабинет ҳар томонлама намунали жиҳозланган.

Ўқув корпуси ёнида қад кўтарган уч қаватли бино ҳам билим юртига қарашли. У асосан ишлаб чиқариш устахоналаридан иборат. Қайси бир хонага кирманг, амалий машғулотлар устидан чиқасиз.

— Устахоналаримизга кўплаб дастгоҳлар ўрнатилган, — дейди билим юртининг директори В. Набиев. — Иккита токарлик участкамиз бор. Уларда 30 та дастгоҳ ишлаб турибди. Фрезерлик участкаларига эса 52 та дастгоҳ бериб қўйилган.

Слесарлик ишларига алоҳида аҳамият бераяпмиз. Бир йўла еттита участкада ёшлар шу ҳунарни пухта ўрганишяпти. Программали бошқарув асосида ишлайдиган токарлик, фрезерлик ва пармалов-координат дастгоҳларига ҳам эгамиз.

Бўлажак касб эгалари учун қурилган ётоқхона ҳамма қулайликларга эга. Хоналар икки ёки уч кишига мўлжалланган. Ўқувчилар овқатланиш учун бошқа жойга бориб юришмайди. Ётоқхонанинг ўзида катта ошхона бор. У бир йўла 250 кишига хизмат кўрсатади. Буфет ҳам ишлаб турибди. Врач хонаси, сартарошхона ҳам ётоқхонада жойлашган.

Ёшлар зерикиш нима эканлигини билишмайди. Яқинда 300 кишига мўлжалланган клуб ишга тушди. Унга яқин тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Китобхонлар учун алоҳида қироатхона очилди.

Спорт зали ёшлар билан гавжум бўлади. Машғулотлардан сўнг бу ерда турли спорт ўйинлари ўтказилади. Ҳа демай сув бассейнида сузиш бўйича мусобақалар бошланади.

Чиндан ҳам бирлашма муносиб ўринбосарлар тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Корхона ва билим юрти ўртасидаги яқин ҳамкорлик муваффақият гарови деб шуни айтадилар-да!

А. АЛИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Узбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

15, 16 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ Муҳаммаджон МИРЗАЕВ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН

АШУЛА, КУЙ ВА РАҚСЛАР КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Ҳалима НОСИРОВА

Узбекистон ССР халқ артисти Фотима БОРУХОВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломанти Дилафруз ЖАББОРОВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Шариф СУЛТОНОВ, Муҳаббат ШАМАЕВА, Мўътабар ЙЎЛДОШЕВА, Тожиддин МЎРОДОВ

Солистлар: Фахриддин Умаров, Алижон Ҳасанов, Санобар Раҳмонова, Малика Иброҳимова, Дилором Қаюмова, Ғулом Ёқубов, Гулчеҳра Исмоилова, Шавкат Мирзаев.

«Октябрнинг 40 йиллиги» фестивали лауреати, Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги — конкурсининг дипломанти ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — композитор Мирхалил МАҲМУДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛЛАРИ

Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Уткир СИДДИҚОВ ва Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб борадилар.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

«МУЗ УСТИДА АЖОИБ ТОМОША»

(2 бўлимда)

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12, 16 ва 19.30 да бошланади.

Билетлар соат 10.00 дан 20.00 гача сотилади.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

МХР ҲУКУМАТИНИНГ НОТАСИ

● УЛАН-БАТОР, 12 апрель. (ТАСС). Монцамэ агентлигининг хабар беришича, 12 апрелда Улан-Баторда ва Пекинда МХР ҳукуматининг ХХР ҳукуматига Нотаси хитой томонига топширилган.

Нотада бундай дейилади: Монголия Халқ Республикаси ХХР билан муносабатларни нормаллаштиришни ҳамиша ёқлаб чиқмоқда. Монголия томони яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини тиклашга астойдил интилиб, икки томонлама характердаги масалаларни ҳал этишни кўзда тутган конкрет таклифлар билан хитой томонига бир неча бор мурожаат қилди.

Аммо, деб таъкидлаб ўтилади Нотада, Монголия билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи гоят коникарсиз бўлиб қолмоқда. Монголия томонининг ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга тайёрлигига ХХР томони ижобий жавоб бермаяпти. Бундан ташқари Хитой томони Хитой—Монголия муносабатларини кескинлаштириш, МХРнинг ички ишларига ёралашиш йўлини зўр бериб ўтказиб келмоқда.

Монголия Халқ Республикасида, дейилади яна Нотада, Совет ҳарбий қисмларини МХР территориясидан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талаб МХРнинг ички ишларига яна суртбетларча аралашиш, деб ҳисобламоқдалар. Хитой маъмурлари яқинда шундай талаб билан Совет Иттифоқига мурожаат қилган эди. Маълумки, совет ҳарбий қисмлари МХР ҳукуматининг талаби билангина ва дўстлик, ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисидаги Монголия-Совет шартномасига мувофиқ равишда монголияда турибди.

ХХРнинг раҳбар доиралари, деб уқтириб ўтилади Нотада, МХРни хитойга қўшиб олиш ниятида эканлигини бир неча бор ошкора айтдилар.

Хитойнинг йил сайин кучайиб бораётган ошкора ҳарбий тайёргарлиги МХРнинг хавфсизлигига бевосита таҳдид қилмоқда. МХРнинг давлат чегараларига бевосита яқин бўлган районларда Хитойнинг жуда кўп қўшинлари тўпланмоқда, ҳарбий-стратегик аҳамиятга молик объектлар қурилмоқда, ҳарбий машқлар ўтказилмоқда, шунингдек МХРга қарши турли-туман диверсия ҳужумлари уюштирилмоқда.

МХР ҳукумати, деб таъкидлаб ўтилади Нотада, шундай реал хавф борлигини эътиборга олиб мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун, унинг хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли чоралар кўришга мажбур бўлди. Шу мақсадда МХР ҳукуматининг илтимосига кўра совет ҳарбий қисмлари Монголияга келди. Бу қисмлар Монголия Халқ армияси билан биргаликда МХРнинг давлат мустақиллиги ва территориал бутунлигини қўриқламоқдалар.

Монголия Халқ Республикаси ҳукумати мамлакат суверенитети ва мустақиллигига ҳозирда ҳам таҳдид қилинмоқда, деб ҳисоблайди. Бунинг боиси шуки, Хитой маъмурлари Монголияга нисбатан экспансиячилик ниятларидан воз кечиш ўёкда турсин, балки МХРга ва унинг иттифоқчиси бўлган СССРга қарши ҳарбий тайёргарликни ҳам ҳануз кучайтирмоқда.

Хитой раҳбарлари, дейилади Нотада, МХРга нисбатан аннексиячилик сиёсатидан бутунлай воз кечиш, МХР ва Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик йўлига ўтган тақдирда совет ҳарбий қисмларининг МХРда туришига зарурат қолмаслиги тамомила аёндир. Бунинг қачон ва нечоғлик тез рўй бериши Хитой томонига боғлиқдир.

БАДИИЙ ХАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

«БАҲОР-78»

САНЪАТ чегара билмайди. Шунинг учун ҳам меҳнат ва ўқув коллективларида бадиий ҳаваскорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Беруний номидаги Тошкент политехника институтида ВЛКСМ 60 йиллигига бағишлаб факультетлараро ўтказилаётган «Санъат байрами» кўрик-конкурси бунга яққол мисол бўла олади. Бу йилги «Баҳор-78» фестивали қутлуғ кунларга, Бахтимиз Қомуси бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг янги Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси қизғин муҳокама қилинаётган дамларга тўғри келганлиги билан қувончлидир.

Яқинда институтининг автоматлаштирилган бошқарув системаси (АСУ) факультети студентлари томонидан ўтказилган фестивалда беш коллектив — «Марҳабо», «Ёшлик тароналари», «Сигма», «Вакантлар» ва «ТОА» ансамбллари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Ҳаваскор хонандалар Холмат Усмонов, Марҳабо Юсупова, Жуманазар Собировлар куйлаган «Ёшлигим», «Дилбар», «Жайроним» қўшиқлари, Қурбоной Каримова, Клара Имомовалар ижро этган «Баҳор», «Марҳабо» рақслари юксак маҳорат билан ижро этилди.

Д. МУСАЕВА.



ТОШКЕНТДАГИ 16-поликлиника аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Моҳир шифокор Мансур Самиғжонов ҳам шу коллективнинг фахрли аъзоси. У ўттиз йилдан бери стоматология бўлимига мудирлик қилади. Суратда: М. Самиғжонов Тошкент Давлат медицина институти стоматология факультети 4-курс студентлари билан. Б. Сафаров фотоси.

ШОИР МУЗЕЙИ

Поэтик адабиётнинг оташин куйчиси шоир Сергей Есенининнинг номи кенг китобхонлар оммасига яқиндан таниш. У ўзининг кўпгина лирик асарларини серқуёш республикамизда ижод қилди.

Севимли шоир 1921 йилнинг май ойида Тошкентга келади, Самарқанд ва Бухорода бўлади. У Тошкентдаги Свердлов номли концерт залида шеърият кечасини ўтказган эди.

Лирик шоир хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкентда Сергей Есенин музейи очиладиган бўлди. Бунга қизғин тараддуд кўрилмоқда.

Музей пойтахтимиздаги шоир номи билан юритилаётган кўчада жойлашади. У экспонатларга бой бўлади. Экспозицияда шоирнинг дастхати битилган тўпламлари ҳам кенг ўрин олади.

СПОРТ

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

«Пахтакор» «Локомотив» билан бўлган ўйинни юқори суръатда бошлади ва кўп ўтмай муваффақиятга эришди. Серостанов—Корченов—Федоров комбинацияси рақиб дарвозасига тўп киритиш билан якунланди. меҳмонлар ҳам вақти-вақти билан қарши ҳужумга ўта бошладилар. 20-минутда пойтахт футболчилари вазиятни тенглаштирдилар. А. Аверьянов штраф майдонидан тўпни дарвозанинг чап бурчагига йўналтирди.

Иккинчи бўлим ҳам қизғин кураш билан ўтди. Ҳар иккала команда ҳисобни ўз фойдасига ўзгартиришга қанчалик уринмасин бунга эриша олмади. 1:1 ҳисоби ўзгармади.

Иккинчи турнинг асосий ўйинларидан бири Грузия пойтахтида бўлди. Тбилиси ва Киев динамочиларининг баҳси 1:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига тугади. Ягона тўпни 53-мкнутда Шенгелия киритди. Мамлакат чемпиони мавсумини муваффақиятсиз бошлади. Улар икки ўйинда атиги иккита очко ололдилар.

Утган куни бўлиб ўтган 7 та учрашувнинг учтаси мезбонлар, учтаси эса меҳмонлар фойдасига тугади. Бир ўйин дуранг бўлди. Ана шу ўйинларда майдон эгалари жами 5 та тўп киритишган бўлса, меҳмонлар ўз ҳисобларига олтита гол ёзишди.

Икки учрашувда тўрт очко тўпланган грузин футболчилари пешқадамликни қўлга олдилар.

Иккинчи турнинг қолган ўйинлари натижаси билан танишинг: «Қайрат» — «ЦСКА» — 1:0, «Арарат» — «Торпедо» — 0:1, «Нефтчи» — «Зенит» — 0:1, «Черноморец» — «Спартак» — 2:1, «Днепр» — «Заря» — 0:2.

* * *

Москванинг «Динамо» футболчилари Венада «Аустрия» командаси билан Европа кубоги учун жавоб учрашувини ўтказдилар. Майдон эгалари 2:1 ҳисобида голиб келишди. Маълумки Тбилисида бўлган ўйинда совет футболчилари ана шундай ҳисобда устун келишган эди. Голибни аниқлаш учун қўшимча вақт берилди. Лекин бу ҳам натижа бермади. Сўнгра 11 метрлик жарима тўпларини тепишда омад майдон эгаларига кулиб боқди. Вена футболчилари финалда Бельгиянинг «Андерлехт» клуби билан учрашадилар.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бугун кеч соат 6 да ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

АВВАЛГИ ШУҲРАТИМИЗНИ ТИКЛАЙЛИК

Токио олимпиадаси ва икки марта Европа чемпиони Валерий Попенченконинг рингдаги олишувларининг бир қанчаси ўқув қўлланмаларига киритилган. Жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевнинг Озодлик оролидаги ёркин ғалабалари, Николай Анфимовнинг Мюнхен олимпиадасидаги маҳорати, Николай Хромовнинг халқаро учрашувларн, Абдулла Қодировнинг, Виктор Куришко, Владимир Юдин каби ажойиб «чарм қўлқоп» усталаримиз Бутуниттифоқ давраларида республикамизнинггина эмас, балки халқаро учрашувларда мамлакатимиз шарафини оқлаб келганлар.

Энди ўзбек боксчиларининг бугунги аҳволи, бой анъаналарни қандай давом эттираётганликларига бир назар ташлайлик. Утган йили республикамиз боксчилари комплекс зачет бўйича мамлакат биринчилигида бешинчи ўринни эгалладилар. Тошкентлик армячи Феликс Пак Совет Иттифоқи чемпиони деган юксак номга мушссар бўлди. Тошкентлик армиячилардан Д. Грубов, В. Шин ва В. Юдинлар шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олишди.

Дўст армиялар чемпионатида Д. Грубов олтин медалга сазовор бўлди. В. Шин эса кумуш медаль билан чегараланди.

Утган йилга якун ясар эканмиз, ёшлар ўртасида иккинчи Бутуниттифоқ спорт ўйинларини эсга олиш ўринлидир. Бу ерда ҳам ёш боксчиларимиз бешинчи ўринни эгалладилар. Шахсий ҳисобда А. Шевцов кумуш, Ш. Князхонов, Р. Сейдаматов, Э. Илёсовлар бронза медали соҳиби бўлдилар.

Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, республикамиз ёшлар терма командаси бир қатор қобилиятли боксчилар билан мустаҳкамланди. Улар қаторига Р. Сейдаматов, М. Умаров, Ш. Князхонов, А. Икромов, Л. Поздеев, А. Шевцов, А. Федяевларни қўшиш мумкин. Бу ёшлар ҳақиқатан ўтган йилги мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Четдан қараганда республикалар ўртасидаги зачет ҳисобларга қараганда эгаллаган ўринимиз ёмон эмас. Лекин имкониятларимизга қараганда анча паст. Бизнингча, бунинг сабаби тренерларимиз аввалги ғалабалар олдида гангиб қолдилар. Бунинг исботига қатор мисолларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Утган йили 24 спорт мастери тайёрлаш планлаштирилган бўлса фақатгина 11 кишигина ана шу номни олишга муваффақ бўлди. Шунинг ўзи тренерларимизнинг резерв ҳақида кам қайғураётганликларини кўрсатиб турибди. Илгаркилари «Спартак», «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятларида жуда кўплаб қобилиятли спортчиларни етказиб берар эди. Кейинги вақтларда ҳаттоо планни ҳам бажармай қўйишди. «Локомотив» жамияти ўтган йили ноябрь ойида ўтказилган республика биринчилигида қатнашишмади.

Кейинги йилларда ўзбек боксчилари катта давраларда кам қатнашяптилар. Масалан, 1977 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган СССР чемпионатида бор-йўғи беш киши иштирок этди. М. Умаров битта «жанг»да ғалаба қозонди, ҳолос. Қолган боксчиларимиз дастлабки олишувлардаёқ ғалабани бой бердилар.

Бундан бир неча йил бурун СССР терма командасида бир неча ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталарини даъвогарлар сафида кўрар эдик. Ҳозирда эса фақат Д. Грубов, В. Шин, Феликс Паклар Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиб туришибди.

Шу ўринда яна бир мисолни айтиб ўтиш ўринлидир. Кўп йиллардан бери Америка Қўшма Штатлари боксчилари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиш анъана тусига кириб қолди. Илгаридан-йилга шу мусобақаларда қатнашаётган ўзбекистонлик боксчиларнинг сафи торайиб бормоқда. Бу йил фақат биргина вакилимиз бундай учрашувларда катнашдм, холос.

Яқинда Тбилиси шаҳрида СССР чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамиз боксчиларн команда ҳисобида 9—10-ўринни эгаллашди. Фақатгина тошкентлик Владимир Шингина медал соҳиби бўла олди, холос. Кейинги йилларда республикамиз вакиллари бундай паст ўринни эгаллашган эмас.

Шубҳасиз, бу каби муваффақиятсизликнинг сабаби кейинги пайтларда спортнинг бокс турига етарли эътибор берилмаётганлигидадир. Кўпгина малакали тренерларимиз илгаригидек актив фаолият кўрсатмаяптилар. Лекин, жуда кўплаб етук мутахассисларимиз бор. СССРда хизмат кўрсатган тренер Б. Гранаткин, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренерлар М. Франк, А. Дин, Т. Гуломов каби устозлар юксак маҳоратли чарм қўлқоп усталарини тайёрлашга қодирлар.

Бу йил олдимизда катта мусобақалар турибди. Июнь ойида Фрунзе шаҳрида ёшлар ўртасида СССР биринчилиги, Ирландия Европа биринчилиги бўлиб ўтади. Республикамиз терма командаси СССР халқлари VII спартакиадасига тайёргарлик кўрмоқда. Шу мусобақат билан бир қатор халқаро учрашувлар ўтказилади.

Бу мусобақалар боксчиларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Улар машқларни кучайтиришлари, тактик ва техник маҳоратларини ошириш учун кўрашишлари лозим. Тренерларимиз бу ҳақда тинмай қайғуришлари керак. Бой анъаналаримизни давом эттирайлик, аввалги йиллар спорт шуҳратимизни тиклайлик.

М. СОАТОВ,
республика физкультурэ ва спорт комитетининг бокс бўйича бош тренери.

БОКС


КУН ТАРТИБИДА— ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИ

ЖЕНЕВА. (ТАСС). Женевадаги Миллатлар серойида БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг ҳар йилги XXXIII сессияси очилди. Бу сессия 22 апрелгача давом этади.

Сессия қатнашчилари — Европадаги 32 мамлакат, шунингдек АҚШ ва Канада вакиллари қитъамиздаги мамлакатлар ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга оид Хельсинкидаги Умумевропа кенгаши якунловчи актининг таъсирлари амалда қандай рўёбга чиқарилаётганлигини муҳокама қиладилар.

Шу муносабат билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш, транспортни, энергетикани ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан Умумевропа конгрессларини ёки давлатлараро кенгашларни чақириш тўғрисида Совет Иттифоқи ўртага қўйган таклифлар қараб чиқилади.

Сессия раиси, Польша вакили Э. Кулага сессияни очиш вақтида нутқ сўзлаб, Европа иқтисодий комиссиясининг аъзоларини Хельсинкида қабул қилинган якунловчи актга тўла мос бўлган ана шу таклифни конструктив руҳда кўриб чиқишга даъват этди.



ВЬЕТНАМ халқ армиясининг инженер бўлинмалари мамлакат халқ хўжалигини қайта тиклашда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Суратда: бир соатда 108 тонна юкни ташиш қувватига эга бўлган кранни ўнғай пайти.

ВИА—ТАСС фотоси.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Ўрлёнок». 10.55 — «Тинч оқар Дон» (бадиий фильм, 2-серия). 15.00— Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — «Шахмат мактаби». 16.35 — Концерт. 17.05 — «Тасвирий санъат ва архитектура соҳасида 1978 йилги Ленин мукофотига тавсия этилган асарлар». 17.20 — «Москва ва москвaликлар». 17.50 — «Бир кишн ҳамма учун, ҳамма бир кишн учун». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 — «Жасорат». 19.30 — «Тинч оқар Дон» (бадиий фильм, 3-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00— Концерт. 22.50 — Ҳужжатли фильм. 23.20 — Музикали программа. 23.40 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.00 — «Табиат қўриқчилари» (бадиий фильм). 18.00 — Мультфильм. 18.45 — «Ёшлик». 18.50 — «Инсон ва қонун». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Оламга саёҳат». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Иқтисодий билимлар оммага!» 22.15 — «Запасдаги офицер» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Шахсий мулоҳаза» (бадиий фильм). 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — «Тошкент ва тошкентликлар». 21.05 — Ўқитувчи экрани. 21.35 — Ўқув кўрсатуви.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/IV да Жизель (билетлар сотилган), 15/IV да Пиковая дама (12.00 да, билетлар сотилган), Афсоналар водийси (12.00 да, билетлар сотилган), 16/IV да Афсоналар водийси (12.00 да, билетлар сотилган), Риголетто (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IV да Олтин девор, 15/IV да Келинлар қўзғолони, 16/IV да Уйланиш, 17/IV да Ғариблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/IV да Тошболта ошиқ, 15/IV да Шаҳзода ва етим қиз (12.00, 19.30), 16/IV да Она қизим (12.00, 19.30), 17/IV да Хотинимнинг эри.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IV да Кўзингни каттароқ оч, 15/IV да Уқилмаган каттароқ ўғил, 16/IV Ишқ қурбонлари (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — КИЕВ МЮЗИК-ХОЛЛИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (17.00 ва 20.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Мимино (катта зал), Одамлар ташвишида (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Мимино — «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00).

Етим ака — ҲАМЗА номли (11, 13, 15, 17, 19, 20.30).

Бўрондаги олишув — «ИСКРА» (19.30).

Тентак Иванушканинг мўъжиза излагани — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Париждаги ўғирлик — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» номли (кундуз ва кечқурун).

Сув ости салтанатининг маликаси; Арвоҳ-кема: — «ҚОЗОГИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҚУРИЛАЁТГАН ЯНГИ КОНСЕРВА ЗАВОДИНИНГ ДИРЕКЦИЯСИ ТУГАТИЛАДИ

Ҳамма даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

16 апрель соат 17.00 да СССР КУБОГИ УЧУН

«ДИНАМО» (Тбилиси) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

Тошкент районидаги 54-қолхозлараро кўчма механизациялашган қурилиш колоннасининг маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари, шу колонна бошлиғининг муовини З. Юсуповага отаси

Юсупхўжа СОТИЛХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари— 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий партия | турмуш — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р—07569. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2385.